



# Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган  
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2026 йил 7 апрель, сешанба, №38 (3684).



»» Президент

## ФАН СИЁСАТИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

Президент вазирлик фаолиятининг устувор йўналишлари ҳамда фан ва олий таълим соҳасида амалга оширилаётган стратегик ташаббуслар юзасидан ҳисобот тинглади.

Давлат раҳбарига янги Конституция имкониятларини олий таълим ва фан соҳасида самарали амалга ошириш юзасидан маълумот берилди. Саясат Нурбек инсон капитали ривожини учун яхлит экотизим яратиш ҳамда иқтидорларни бошқаришнинг узлуксиз тизимини жорий этишга қаратилган чора-тадбирлар тизимини тақдим этди.

Президентга меҳнат бозорини таҳлил қилиш натижалари ҳамда 2030 йилгача кадрларга бўлган эҳтиёж тахминлари ҳақида маълумот берилди. Шунингдек, олий таълимдан кенгроқ фойдаланишни таъминлаш, жумладан, "Келешек" дастагини жорий этиш ва соҳани молиялаштиришнинг янги шаклини амалга ошириш чоралари ҳақида сўз юритилди.



ДАВЛАТ РАҲБАРИ ҚАСИМ-ЖҰМАРТ ТҰҚАЕВ САЯСАТ НҰРБЕКНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Давлат раҳбарига таълим ва ишлаб чиқариш жараёнларига сунъий идрокни жорий этган янги турдаги индустриал университетни ташкил этиш режалари тақдим этилди. Шунингдек, инновацион кластерлар ва илм-фан шаҳарчаларини қамраб олган ҳудудларни яратиш режалари ҳам баён қилинди.

Фан сиёсатини такомиллаштиришга қаратилган ислохот-

лар изчил давом этмоқда. Шу билан бирга, вазирлик олимларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқда – уларга грантлар, илмий амалиётлар, мукофотлар ажратиш ҳамда ёш олимларни уй-жой билан таъминлаш, шулар жумласидандир.

Учрашув якунларига кўра, Президент олий таълим сифа-

тини юксалтириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни амалиётга татбиқ этиш, инновацион фаолиятни рағбатлантириш, инфратузилмани такомиллаштириш ҳамда хорижий университетлар филиаллари сифатини ошириш юзасидан қатор топшириқлар берди.

Akorda.kz.

## 7 АПРЕЛЬ – БУТУНЖАҲОН САЛОМАТЛИК КУНИ

Ушбу сана 1948 йил 7 апрель куни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига асос солинган муносабати билан жорий этилган. 1950 йилдан буён эса мазкур кун дунё ҳамжамияти томонидан турли мавзулар ва шiorлар остида нишонланмоқда.

Бугунги кунда дунёвий миқёсда саломатликка таҳдид солаётган омиллар ҳам кам эмас. Атмосфера ифлосланиши, иқлим ўзгариши, нотўғри овқатланиш, кам ҳаракатли турмуш тарзи, стресс каби ҳолатлар кўплаб касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Шу боис, соғлом ҳаёт тарзига амал қилиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.



Соғлом турмуш тарзининг энг оддий ва самарали усуллари-дан бири – мунтазам жисмоний фаолликдир. Хусусан, оддий юриш инсон организмга катта фойда келтиради: у юрак-қон томир тизимини мустаҳкамлайди, мушакларни бақувват қилади ва умумий кайфиятни яхшилайдди. Энг муҳими, ушбу фаолият тури барча ёшдагилар учун қулай ва хавфсиз ҳисобланади.

Шу муносабат билан жойларда турли оммавий тадбирлар, спорт мусобақалари ва югуриш марафонлари ташкил этилмоқда. Бундай ташаббуслар аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, айниқса, ёшлар қалбида спортга қизиқишни оширишга хизмат қилади.

Бутунжаҳон саломатлик кунини нишонлашдан кўзланган асосий мақсад – инсонларга саломатликнинг қадрига етиш, уни асраш ва мустаҳкамлаш зарурлигини англаштириш. Зеро, соғлом жамиятгина барқарор тараққиёт ва фаровон келажак пойдеворини ярата олади.

»» Ҳиндистондан хушхабар

## Р. АБДУСАТТОРОВ – "ЙИЛ ПРОФЕССОРИ"

Наврўзи олам шодиёнаси кунлари Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳридаги Ж. Неру номидаги университетда "Мир Алишер Навоий таваллудининг 585 йиллиги"га бағишланган халқаро анжуман ўтди.

Анжуманда университет ректори, профессор Дипендра Дас, Марказий Осиё билан иш олиб боровчи марказ раҳбари, профессор Ахлоқ Аҳмад Ахан, шунингдек, Қозоғистон, Ўзбекистон олимлари иштирок этди.

Қозоғистонлик илмий тадқиқотчи олим Раҳматжон Абдусатторов(тасвирда) кенг қўламли тадқиқот ишлари учун Жавоҳарлал Неру университети илмий кенгаши қарорига асосан, "Йил профессори" халқаро унвони билан тақдирланди. Фаол олим, таълимчи, жамоат арбоби, хайрли ишлар ҳомийси, ҚР "Дўстлик" ҳамжамиятининг фахрий раиси Раҳматжон Абдусатторовни навабдаги халқаро унвони билан самимий муборакбод этиб, Қозоғистон – Ўзбекистон – Ҳиндистон илмий, маданий, тарихий алоқаларини мустаҳкамлашда янги зафарлар тилаймиз. Батафсил маълумотларни газетамизнинг ички бетларидан ўқий olasiz.

Ш. МАДАЛИЕВ.



## ҚОР ҚОПЛОНИ – VI БУТУНЖАҲОН КЎЧМАНЧИЛАР ЎЙИНЛАРИНИНГ РАМЗИ

Kazinform. Қор қоплони бу йилги Бутунжаҳон кўчманчилар ўйинларининг расмий рамзи сифатида танланди.

Бу йил Кўчманчилар ўйинлари Қирғизистонда ўтади ва турли мамлакатлардан иштирокчиларни бирлаштиради. Дастурга спорт, маданий ва илмий тадбирлар киради. Қор қоплони танланиши тасодифий эмас: бу тасвир мамлакат табиати, унинг ландшафти ва маданияти билан чамбарчас боғлиқ.

Бу йил ўйинларда 100дан зиёд мамлакатдан 3000дан зиёд спортчи иштирок этади. Дастурга 43 хилдаги этносспорт, шунингдек, маданий ва илмий тадбирлар киради.

Бу ҳақда Қозоғистон кўпқарли федерацияси президенти Айдарбек Қўжаназаров маълум қилди.

А. АБДУФАТТОХ.

## ДУНЁ ҲАМЖИҲАТЛИКНИ КУЧАЙТИРМОҚДА: ИНҚИРОЗ ШАРОИТИДА ЁРДАМ ТАШАББУСЛАРИ

Kazinform. Оламда озиқ-овқат таъминотида оид хавотирлар ортиб бораётган бир пайда, халқаро ташкилотлар ҳамкорлигини кучайтириб, ижобий ташаббусларни амалга оширмоқда.

БМТ тизимидаги Жаҳон озиқ-овқат дастури (WFP) ва бошқа гуманитар ташкилотлар орқали қатор мамлакатларда аҳолига озиқ-овқат ёрдами етказиш давом этмоқда. Шу жумладан, Судан, Жанубий Судан ва Сомалидаги эҳтиёжманд қатламлар учун гуманитар юрлар мунтазам равишда йўлга қўйилмоқда.

Бундан ташқари, ҳудудларда логистика ва етказиб бериш билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш мақсадида янги транспорт йўллари ва муқобил йўналишлар йўлга қўйилмоқда. Халқаро ҳамкорлик орқали ёрдам кўламини кенгайтириш ва эҳтиёжманд аҳолини қўллаб-қувватлаш юзасидан саъй-ҳаракатлар давом этмоқда.



Мутахассисларнинг таъкидлашича, молиявий қўллаб-қувватлашни кучайтириш ва халқаро ҳамжамиятни ошириш орқали дунёвий озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мумкин.

Ҳозирги вазият халқаро ҳамжамиятни янада фаол ҳаракат қилишга ва инсонпарварлик қимматларига содиқ қолишга ундамоқда.



## ФАРОВОН ЮРТГА ҲАШАР ЯРАШАР



Кўхна ва ҳамиша навқирон заминимизда қад ростлаган ҳар бир минора – бу бутун бир тарих. Улар халқимиз руҳининг барҳаётлиги, матонати ва абадийлигининг ёрқин рамзидир.

Бу муқаддас замин неча бор ёв лашкарлари оёғи остида поймол этилди. Унинг лождар омонини эса неча бор ёғийлар ваҳшийлиги ва юрт ҳимоячилари мардонавор нидоларига тўлиб-тошди. Шаҳарлару қўрғонларимиз эса қайта-қайта вайронага айланиб, мудҳиш култепаларга айланди.

Аммо ҳар сафар у замин бағрида пинҳон қайнаган ҳаёт ҳароратини ўзида мужассам этган бойчечак мисоли, янада латофат ва шуқуҳ билан бош кўтариб, янада юксалиб бораверди.

Бугун қадимий шаҳримизга боқар эканмиз, эркесвар аждодларимиз нафасини туямиз. Унинг мовий миноралари эса ота-боболаримизнинг сўнмас иродаси, юксак руҳи ва абадий орзуларининг жонли ифодаси сифатида намоён бўлади.

Жорий йил май ойида Туркистон шаҳрида Туркий давлатлар ташкилоти саммити ўтказилиши ҳам ушбу муқаддас шаҳарнинг тарихий аҳамияти ва халқаро нуфузини яна бир бор намоён этмоқда.

Туркистон – асрлар давомида юксалиб келган эл-юрт шаъни ва гурурининг ёрқин тимсолидир. Бугун, халқимиз мустақиллик шуқуҳи билан яшаётган бир паллада, бу рамз янада теран маъно касб этмоқда ҳамда ҳар биримизни

Ватан озодлиги ва ободлиги йўлида фидокор бўлишга даъват этади.

Юртимизда амалга оширилаётган "Тоza Қозоғистон" умуммиллий экологик тадбирини қўллаб-қувватлаш мақсадида Туркистон вилоятида бахорги ҳашарлар ўтказилмоқда.

Экологик маданиятни юксалтириш ва табиатни муҳофаза қилиш мақсадида кенг қўламли дарахт экиш тадбири ташкил этилди. Ушбу ташаббус тозалик ва атроф-муҳитни асрашни кундалик ҳаёт тарзида айлантиришга қаратилган барқарор давлат дастури сифатида амалга оширилмоқда.

Бунда ёш авлод экологик масъулиятнинг асосий ташаббускори сифатида қаралмоқда. Шу йўналишда ҳудудларда

тизимли ишлар олиб борилиб, Туркистон шаҳрида ҳам маҳаллий аҳоли, мактаб ўқувчилари, ёшлар ва давлат идоралари вакиллари иштирокида дарахт экиш тадбирлари ташкил этилди.

Вилоят ҳокими Нуралхан Кўшеров тадбирда фаол иштирок этиб, ҳокимлик ходимлари ва жамоатчилик вакиллари дарахт экиш ишларига жалб қилди. Шунингдек, у шаҳардаги қурилиш майдонларини айланиб, йўллар ҳолатини кўздан кечирди ва инфратузилмавий масалаларни назоратга олди.

– Дарахт экиш атроф-муҳитни тоза сақлаш, ҳавони ифлослантирувчи газларни камайитириш, аҳоли ҳаёт сифатини ошириш ва жамоавий масъулиятни ривожлантиришга ҳисса қўшади. Шу билан бирга, бундай акциялар фуқароларнинг она юртва муҳаббатини ошириб, ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлайди ҳамда ёшларга табиатни асрашнинг аҳамиятини тушунтиради. Тадбир натижасида, шаҳарнинг яшил ҳудудлари сезиларли даражада кенгайди, экологик маданият янада мустаҳкамланди, – деди минтақа раҳбари.

# ЯНГИ ҒОЯ ВА ТАШАББУСЛАР АМАЛДА

ВИЛОЯТИМИЗДА АКВАТУРИЗМ РИВОЖЛАНИБ,  
ЗАМОНАВИЙ БАЛИҚЧИЛИК КЛАСТЕРИ ЯРАТИЛАДИ

Акватуризм – бу сув захиралари (кўллар, дарёлар, сув омборлари) асосида дам олиш, сайёҳлик ва кўнгилочар хизматларни ташкил этишга қаратилган замонавий сайёҳлик йўналишидир. Бугунги кунда у аҳоли учун маданий ва дам олиш имкониятларини кенгайтириб, минтақа иқтисодиётига сармоя жалб қилиш, янги иш ўринлари яратиш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Вилоятимизда акватуризм ва замонавий балиқчиликни ривожлантириш борасида муҳим лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилмоқда. Шу муносабат билан, вилоят ҳокими Нуралхан Кўшерев Чоға қишлоғига ташриф буюриб, сармоядорлар билан учрашди. Мулоқот давомида янги лойиҳаларни амалга



ошириш, акватуризмни ривожлантириш ва замонавий балиқчилик кластерини яратиш масалалари муҳокама қилинди.

Вилоят раҳбари ишларни сифатли ва ўз вақтида бажаришни топширди. Айни пайтда «Чоға» сунъий кўли ҳудуди тартибга келтирилиб, янги лойиҳани амалга ошириш ишлари бошлаб юборилди.

Ушбу лойиҳалар ташаббускори – «GOLD FISH TURKISTAN» МЧБ. Акватуризмни ривожлантиришга қаратилган лойиҳа қиймати 1,5 миллиард тенгени ташкил этади. Унинг қуввати бир мавсумда 100 минг нафарга сайёҳни қабул қилиш имконини беради. Лойиҳанинг умумий майдони 8 гектарни ташкил этиб, жорий йилда амалга оширилиши режалашти-

рилган ва 25та янги иш ўрни барпо этилади.

Шунингдек, замонавий балиқчилик кластерини ривожлантиришга қаратилган яна бир лойиҳа учун давлат иштирокидаги компания ҳиссасидан ер ажратилган. Ушбу лойиҳанинг қиймати 1 миллиард тенгени ташкил этади, 2027 йилда тўлиқ ишга туширилиши кутилмоқда. Тўла қувват билан ишга киришгач, йилига 300-400 тонна балиқ маҳсулоти ишлаб чиқариш режалаштирилган. Бу ерда яна 20та янги иш ўрни яратилади.

Лойиҳалар тўлиқ ишга туширилгач, мазкур ҳудуд балиқчилик ва сайёҳлик марказига айланади. Шунингдек, бу ерда меҳмонхоналар қурилиб, соҳил туризми ҳам ривожлантирилади.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

Вилоятимизда қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга қаратилган халқаро ҳамкорлик лойиҳалари амалга оширилмоқда. «TURKISTAN» тадбиркорларга хизмат кўрсатиш маркази кўмағида минтақага Германиядан тажрибали муҳандис, «SES» (нафақадаги тажрибали мутахассислар ташкилоти) эксперти Людвиг Вресманн махсус тақлим этилди.

«Сапа 2002» МЧБ далаларида эксперт тадбиркорлар билан учрашиб, тажрибаси билан ўртоқлашди. Халқаро даражадаги мутахассис-

## АГРОСОҲА ТАРАҚҚИЁТИГА ХОРИЖЛИК ОЛИМЛАР ҲАМ ҲИССА ҚЎШМОҚДА

нинг иштироки корхонада аграр ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, замонавий технологияларни жорий этиш ҳамда ҳосилдорликни кўпайтиришда улкан имконият яратилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, «Сапа 2002» МЧБ келгусида ишлаб чиқаришни ранг-баранглаштириши

режалаштирган. Жумладан, тадбиркор гўштни қайта ишлаш ва ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш цехларини ривожлантириш учун ҳам хорижлик малакали мутахассисларни жалб этиш имкониятини кўриб чиқмоқда.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

## ЯГОНА НИҲОЛ, ЯГОНА КЕЛАЖАК, ЯГОНА МАСЪУЛИЯТ



Туркистон шаҳридаги 32-сонли умумий ўрта мактабда жамоа ташаббуси билан «Ягона ниҳол – ягона ҳаёт» мавзусида экологик акция ўтди. У Давлат раҳбари ташаббуси билан амалга оширилган «Тоза Қозоғистон» дастури доирасида ташкил этилди.

Акциядан кўзланган мақсад – мактаб ҳовлисини кўкаламзорлаштириш ва ёш авлодда табиатга меҳр-муҳаббат туйғусини шакллантиришдан иборат.




Тадбир давомида ўқувчилар концерт дастурини намойиш этишди. Ушбу кенг қамровли тадбирда Туркистон вилояти ҳокими ўринбосари Ертай Алтаев ҳамда Туркистон шаҳри ҳокими Азимбек Пазилбекули иштирок этиб, акциянинг аҳамиятига тўхталдилар. Улар ўз нутқларида

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳар бир фуқаронинг умумий бурчи эканлигини таъкидлаб, бундай эзгу ташаббуслар жамият учун улкан аҳамият касб этишини алоҳида қайд этдилар.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

## ЯССАВИЙ МЕРОСИ: МАЪНАВИЯТ, ИЛМ ВА САЙЁҲЛИКНИНГ УЙҒУНЛИГИ



Ҳукумат Хожа Аҳмад Яссавий меросини ривожлантириш ва тарғиб қилиш бўйича 2026-2028 йилларга мўлжалланган тадбирлар режасини тасдиқлади.

Ҳужжатда буюк мутафаккирнинг меросини ўрганиш, тадқиқот юритиш ва тарғиб қилиш, шунингдек, Туркистонни маънавий туризмнинг асосий марказларидан бири сифатида ривожлантиришга қаратилган 37та тадбир назарда тутилган.

Режада илмий-тадқиқот, маданий-маърифий ва ижодий лойиҳалар, ахборот ва халқаро тадбирлар, шунингдек, қайта тиклаш каби бешта йўналиш қамраб олинган.

Ёшлар ва мактаб ўқувчилари билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тадбирларнинг асосий қисми Туркистон шаҳрида ўтказилади. Жумладан, шаҳарда ўқувчилар ўртасида анъанавий «Яссавийшунослик» танловининг республика босқичини ўтказиш, шунингдек, музей ҳузурида «Яссавийшунослик» клубини очиш режалаштирилган.

Тадбирларнинг асосий қисми Хожа Аҳмад Яссавий асарлари ва илмий ишларини нашр этиш, мутафаккир меросини тарғиб қилиш, ЮНЕСКО ва ИСЕСКО доирасида архивларда аниқлаш, архив материаллари ва ҳужжатлар каталогини тайёрлашга қаратилган.

Яссавий меросини янада кенг тарғиб қилиш мақсадида сайёҳлар учун маълумотларни, жумладан, видеолар ва аудиосайёҳбонларни янгилаш, хорижий сайёҳлар учун мослаштирилган янги сайёҳлик йўналишларини ишлаб чиқиш, шунингдек, зиёратгоҳда илмий-таъмирлаш ишларини амалга ошириш режалаштирилган.

Режада ЮНЕСКОнинг «Жаҳон хотираси» дастури доирасида Яссавийнинг топилиган ва ўрганилган ёзма меросини тарғиб қилиш, ЮНЕСКО ва ИСЕСКО доирасида Яссавий йили ёки махсус маданий кунларни эълон қилиш масаласини ўрганиш назарда тутилган.

Режанинг ижроси Туркистоннинг муҳим маънавий, маданий ва сайёҳлик маркази сифатидаги салоҳиятини очишга имконият беради.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

»» Қозоғистонда ишлаб чиқарилган

## “ФУДМАСТЕР”: СИФАТ, ТАРАҚҚИЁТ ВА МАСЪУЛИЯТ

Озиқ-овқат саноатида ўз ўрнига эга бўлган “ФудМастер” компанияси Қозоғистонда сифатли юксак сўт маҳсулотлари ишлаб чиқаришда етакчи корхоналардан бири.



Корхона 1995 йилда ташкил этилган, уша даврда сўт етарли бўлса-да, йогурт каби фойдали маҳсулотлар тақчиллиги юзага келган эди. Шу боис, ёш тадбиркорлар томонидан Есик шаҳридаги сўт заводи ижарага олинди, мамлакатда илк бор йогурт ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шу йиллардан бошлаб, компания изчил ривожланиб, бугунги кунда 16 филиал, 4 йирик завод ва турфа маҳсулот турларига эга йирик корхонага айланди. У “БИО-S Impact”, айрон, йогурт, қаймоқ ва бошқа 100га яқин маҳсулотлари билан истеъмолчилар ишончини қозонди.

Компания 2004 йилдан эътиборан, Франциянинг йирик халқаро озиқ-овқат концерни – Lactalis таркибига кириб, халқаро андазалар асосида фаолият юритмоқда. Шу билан бирга, ISO андазалари ва замонавий технологиялар асосида сифат назоратини амалга ошириб келмоқда.

## ЯНГИ БОСҚИЧДАГИ ФАОЛИЯТ ВА ҲАМКОРЛИК

Яқинда мазкур корхона фаолияти билан танишиш мақсадида Еркеғали Алимқулов бошчилигида Тўлебий тумани вакиллари ташриф буюрди.

Ташриф давомида ижтимоий тармоқларда кўтарилган масала – чиқиндиларнинг сўғориш каналларига оқизилиши билан боғлиқ ҳолат муҳокама қилинди. Туман ҳокими корхона раҳбариятига аҳолининг хавотирини етказиб, вазият юзасидан тушунтириш ишларини кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Компания вакиллари ҳозирда оқова сувларни тўлиқ тозалашга мўлжалланган замонавий иншоот қурилаётганини маълум қилди. Лойиҳа Европа андазалари асосида амалга оширилиб, у жорий йил сентябрда яқунланиши, 2027 йил биринчи чорагида эса тўлиқ ишга туширилиши режалаштирилган.

Шунингдек, корхона келгусида ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш ва маҳсулотларни экспорт қилишни режалаштирмоқда.

Ижтимоий масъулият доирасида эса маҳаллий ҳокимлик билан ҳамкорликда қишлоқ ҳудудини ободонлаштириш, жумладан, болалар майдончаларини барпо этиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Учрашув якунида туман ҳокими қурилаётган тозалаш иншооти билан танишиб, ишларнинг сифатли ва белгиланган муддатда яқунланиши зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, аҳоли билан очиқ мулоқотни доимий йўлга қўйиш муҳимлигини алоҳида қайд этди.

А. АБДУФАТТОҲ.

»» "Жанубий Қозоғистон" газетасига – 35 йил

## КЕНТОВДАГИ МУШТАРИЙЛАРИМИЗ БИЛАН МУЛОҚОТ



2026 йилнинг иккинчи ярмига обунани уюшқоқли ташкил этиш учун Кентов шаҳар УЭМБ раисаси, ҳуқуқшунос Санобар Самиева ташаббуси билан таҳририятнинг расмий мактуби шаҳар таълим бўлими раҳбари Адил Ауелбековга тақдим этилди.

Биргаликда шаҳар марказий шифохона раҳбари Саен Кенесбекули қабулида бўлиб, тиббиёт ходимларини обунга жалб этишни муҳокама қилди. Шаҳар меҳнат фахрийлари кенгаши раҳбари ўринбосари, ҚР ва Кентов шаҳрининг фахрий фуқароси (Қарноқ

қишлоғида ҳоким бўлиб ишлаган чоғида обунани 1000 нусхадан оширган) Мамиржон Йўлдошев 20 нафар ҳамкасбларини почта орқали "Жанубий Қозоғистон" газетасига обунани қилдиргани вилоятимиз шаҳар, туманлари учун ибрат.

Шаҳар мактаблари орасида обунани энг кўп (82 нусха) ташкил этган Ў. Жанибеков номли таълим даргоҳи директори Мансур Акешов жорий йил октябр ойига режалаштирилган анжуман ҳақида баён этиб, обунани кўллов кўрсатилмаганлигини таъкидлади. А. Навоий номли мактаб директори Нодиржон

Турсунов (53 нусха) ўзи бошқараётган жамоада газетамизга қизиқиш ортганлиги, жамоа билан бамааслаҳат ҳолда обунани юксак савияда ташкил этилаётганлигини маълум қилди.


**Ш. МАДАЛИЕВ.**

**Тасвирларда:** шаҳар фахрийлар кенгаши раиси ўринбосари М. Йўлдошев; Ў. Жанибеков номли мактаб директори М. Акешов; А. Навоий номли мактаб директори Н. Турсунов.

Муаллиф тасвирлари.

**P.S.** Кентов шаҳар УЭМБнинг фахрий раиси, маориф аълочилиси Ҳошим Абдувалиев телефон орқали мулоқотда таҳририятнинг УЭМБ ва мактаб кутубхоналари билан ҳамкорликда дарслик таъминоти масаласи билан шугулланаётганлигига қўллов билдириб, ҚР "Дўстлик" ҳамжамияти раиси Абдулла Исмаилов шу ҳақда матбуот орқали муштарийлар учун маълумот берса, деган таклифини билдирди. Ишчан раис А. Исмаиловдан жавоб кутамиз.

»» 9 апрель – Амир Темури таваллудига 690 йил



## "ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ" – ҚИММАТЛИ МАНБА

Тарихий шахслар хусусида фикр-мулоҳаза юритганда, Ҳазрат Алишер Навоийнинг ушбу сатрлари беихтиёр хотирага келади:

**Бу гулшан ичра йўқдир баҳо гулига сабот, Ажаб саодат эрур қолса, бу асарни Амир Темурининг ўзи ёзган.**  
Ҳа "яхши ном" ҳар қандай шахснинг ҳаёти ва фаолиятига баҳо беришда аниқ ва тўғри мезондир. Лекин яхши ном қолдиришдек шарафга ҳамма ҳам, ҳатто тождор ва илмдорлар ҳам бирдек муяссар бўлмайдилар. Бунга эришганлар ҳам бор, эришмаганлар ҳам...

Тоғу давлат, илму ҳикмат соҳиби Амир Темури бундай шарафга ноил бўла олди. У ўзининг оламшумул муваффақиятлари туфайли бунга эришди. Амир Темури ҳақида замондошлари кўп қимматли тарихий асарлар яратганлар. Ғибсиддин Алининг "Рўзномаи ғазовоти Ҳиндустон", Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома" асарлари шулар жумласидандир.

Шунингдек, "Тузуқоти Темурий" асари алоҳида ўрин ва аҳамиятга эга. У "Тузуқи Темурий" ёки "Воқеоти Темурий" ("Темурининг таржимаи ҳоли") деб аталиб, соҳибқироннинг ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилади. Манбаларга кўра, бу асарни Амир Темурининг ўзи ёзган.

Икки фозил Мир Абу Толиб Хусайний ва Муҳаммад Афзал Бухорий меҳнати туфайли "Тузуқоти Темурий" форс тилида бизнинг замонамизгача етиб келган. Асар ҳукмдорларнинг тор доирасидагина эмас, балки бутун дунё аҳлига машҳур бўлди. Нусхаларини Россия, Марказий Осиё, Ҳиндустон, Эрон, Туркия, Миср, Англия, Франция, Дания, Германия ва бошқа мамлакатларнинг кутубхоналаридан топиш мумкин.

Масалан, араб тили бўйича профессор, англис майори Уайт "Тузуқоти Темурий"нинг форсий матнини нашрга тайёрлади, майор Дэви уни англисчага ўнгирган ва ҳар иккала матн 1783 йилда Буюк Британия (Оксфорд)да нашр этилган. 1785-1890 йилларда бу асар ўзгаришсиз Ҳиндустон (Калохут ва Бомбей)да қайта чоп этилди. 1963 йилда Эронда, 1967 йилда эса Тошкентда (Алихонтўра Соғуний томонидан) нашр қилинди.

Бирок ўша вақтдаги жамият тузуми, аниқроғи, расмий ҳокимият маъмуриятининг тарихимизга нисбатан салбий муносабатлари туфайли Алихонтўра Соғунийнинг таржимаси тўла тарзда чоп этилмади.

Асар кейинчалик, ўзбек шарқшунос олими Ҳабибулла Кароматов саъй-ҳаракатлари билан 1991 йилда Гафур Гулом номидаги "Адабиёт ва санъат" нашриётида чоп этилди.

Хуллас, машҳур бобокалонимиз ёзган асар ўзбек тилида қўлимизга теги. Уни ўқиган киши Амир Темурининг нақадар зукко сиймосидан, билимдон давлат арбоби бўлганлигини англайди. У ўз она тили туркийдан ташқари форс, тожик тилларида ҳам ривоят, шеърлар айта олган.

"Темури тузуқлари" икки мақоладан таркиб топган. Биринчиси – Темурининг давлат барпо этиши ва уни мустақиллаштириш, қўшинларни ушлаш юзасидан тузуқлари, режаларидан иборат бўлиб, ҳатто лашкарининг жанговар тартиби жадвал вазитасида ифодаланса, иккинчи мақолада 13та кенгаш ва унинг қисмларида Амир Темурининг ҳокимият тепасига келиши ва ҳарбий юришлари тафсилотлари берилади.

Темури вазирларининг тўрт сифатга эга бўлишларини шарт дейди:

1. Асл ва тоза наслдан бўлиши, буюкликка эга бўлиши.
2. Ақлу фаросат ва доно фикрга эга бўлиши.
3. Сипоҳ ва райятдан хабардорлик ва улари билан хушмуомалалада бўлиши.
4. Сабру бардошли ва мулоимлик ҳар қандай вазиятда адолатли бўлиши.

Асарда маълум бўлишича, унинг давлатини етти нафар вазир бошқарган. Ҳар бирининг ўз вазифаси ва мажбурияти бўлган.

"Тузуқот"да таъкидланганича, Темури вазирларига жуда меҳрибон бўлган. "Вазир зolim бўлса, салтанат ишлари тез мудатда парокандаликка учрайди", деб ҳисобланган. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, вазир вазифаларини тафтиш этаётганда, ворисларига туҳмат ва ҳиссийатларга берилмаслигини ўқитган. Лекин шу билан бирга, у ўз мансабини суиистеъмол қилган ҳамда райятга жабру ситам етказган вазирларни қаттиқ жазолаган.

Тарихий асарда амир ва ҳоким мансабига тайинлаш ҳақидаги маълумотлар ҳам ўта муҳим. Бекларнинг тажрибаси, фаросати, баҳодирлиги ва шижоати каби шахсий фазилатлари инобатга олинган.

"Тажрибамдан синаб, билдимки, дейди Амир Темури, жангнинг сир-асрорини синдириш йўлини билган, уруш қизиқ, авж олганда ўзини йўқотмасдан, қўл-оёғи бўшашмасдан лашкарларини жангга бошлай оладиган кишини амирлик, ҳукмдорликка лойиқ ҳисобланади".

Асардаги яна бир муҳим маълумот – ижтимоий-иқтисодий муносабатларга доир маълумотлар. Темури кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштирилган рағбатлантирган, алоҳида имтиёзлар берган.

Солиқ олишнинг муайян тартиби ҳам диққатга сазовор. Темури райятдан мол-хирож йиғишда улари оғир аҳволга тушириб қўйишдан ёки мамлакатни қашшоқ қилиб қўйишдан эҳтиёт бўлиш зарур, чунки райятни хонавайрон қилиш давлат хазинасининг камбағаллашувига олиб келади. Хазинанинг ғариб бўлиб қолиши, сипоҳнинг тарқалишига сабаб бўлади, сипоҳнинг тарқоқлиги ўз навбатида салтанатнинг заифлашувига олиб келади, дейди.

"Тузуқот"даги яна бир эътиборли жиҳат – Амир Темури кўл остидаги раҳбарнинг гуноҳини кечира олиш қобилияти бўлган. Тамғасидаги нақш ҳам шундай маънони ифодалайди: "Ҳақгўй бўлсанг, нажот топасан".

Муҳтасар қилиб айтганда, биз тарихий асар орқали ҳаётини тажриба касб этган, серқирра арбобини яна бир қарра ўрганамиз ва унга қойил қолмай, хурмат билан бош эгишдан бошқа иложимиз йўқ.

**Зарифахон РЎЗИМЕТОВА.**  
"Чимкент" ижодий уюшмаси аъзоси.

## ҚОЗОҒИСТОН-ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ АЛОҚАЛАРИ



Туркистон вилояти Саврон туманидаги Эски Иқон қишлоғида ташкил этилган "Китобсеварлар клуби" аъзолари Ўзбекистоннинг Самарқанд шаҳрига сафар уюштирди.

Ушбу ижодий сафар "Зарафшон" ва "Самарқандский

вестник" газеталари бош муҳаррири, Ўзбекистон Олий Кенгаши Сенати депутати, Ўзбекистон ёзувчилар ва журналистлар уюшмалари аъзоси Фармон Тошев раҳбарлигида ташкил этилди.

Туркистонлик меҳмонлар Самарқанд шаҳридаги бола-

лар санъат ва мусиқа мактабига ташриф буюриб, ўзбек мусиқа ва санъати тарихи билан танишдилар. Ушбу таълим даргоҳи директори Исмоилжон Ҳайдар ўғли ўқув жараёнлари, устозларнинг ижодий фаолияти ҳамда иқтидорли ўқувчилардан ташкил этилган даста

ҳақида маълумот берди. Махсус намоиш этилган концерт дастури меҳмонларга манзур бўлди.

Делегация раҳбари Руслан Убаев кўхна Туркистон аҳли номидан мезбонларга самимий саломини илтифот ила етказди. Мезбон, сенатор Фармон Тошев туркистонлик китобхонларга нодир китоблардан иборат туҳфаларини тақдим этди.

Ушбу сафар "Ошиқ Юсуф ота" жамғармаси орқали ташкил этилаётган кўпжаъ хайрли тадбирларнинг бири. Савоби мўл хайрли ишларимиз бардавом бўлсин.

**Раҳматжон АБДУСАТТОРОВ,**  
Халқаро адабиёт ва маданият академияси аъзоси.

Тасвирда: туркистонлик китобсеварлар Самарқандда.

## ПРЕИМУЩЕСТВА ГРУДНОГО ВСКАРМЛИВАНИЯ

Грудное молоко включает в себя множество веществ, необходимых для полноценного развития ребенка. В нем содержатся белки, жиры, углеводы, витамины и минералы, которые легко усваиваются детским организмом. Кроме того, грудное молоко богато антителами и иммунными веществами, укрепляющими защитные функции организма способствующими в профилактике инфекционных заболеваний.

Всё это делает его незаменимым для здоровья и роста ребенка в первые месяцы жизни. Грудное вскармливание снижает риск заболеваний сердечно-сосудистой, пищеварительной и нервной систем. Немаловажно и то, что процесс кормления формирует у малыша чувство безопасности, тепла и эмоционального комфорта. Грудное вскармливание для мамы служит профилактикой различных

заболеваний, включая рак молочной железы, что является особенно важным аспектом.

В процессе кормления формируется особая связь между матерью и ребенком, закладывающие основы доверия и привязанности.

Основную часть грудного молока составляет питательные макронутриенты – углеводы, белки и жиры. Жиры, представляющие преимущественно триглицериды, служат важным источником энергии. В действительности, в 100 мл грудного молока содержится 3-5 г жира, что составляет 40-55% калорий материнского молока.

Помимо этого грудное молоко содержит более 400 различных видов белков, играющих важную роль в росте развития желудочно-кишечного тракта. Они выполняют пребиологическую функцию, спо-



собствуя развитию здорового микробиома кишечника (то есть, всех микроорганизмов, живущих в кишечнике). Это еще один фактор, повышающий способность ребенка бороться с инфекцией и поддерживать здоровый метаболизм. Даже во взрослом возрасте!

**Х. САЙДИРАСУЛОВА,**  
Ш. ИСРАИЛОВА.  
Городская больница №3.  
г. Шимкент.

## УСТОЗ ВА ФАОЛ ЖАМОАТЧИ ОЛАМДАН ЎТДИ

Шимкент шаҳридаги Муқимий номли 13-сонли, Ойбек номли 14-сонли мактабларда узоқ йиллар ёш авлодга таълим берган ҳамда вилоят ўзбек этномаданият бирлашмасида хизмат қилган, Бодоморти даҳасида маҳалла кумитасини бошқарган Абубакир Фазилдин ўғлининг яқинларига чуқур таъзия билдирамыз.



Шимкент шаҳар УЭМБ жамоаси.

Минтақадаги ўзбек этномаданият бирлашмалари жамоалари ушбу мусибат муносабати билан, чин қалбдан ҳамдардлик изҳор этади. Абубакир Қорахўжаев юзлаб шогирдларига таълим-тарбия берди, ўзбек маданият марказининг илк ту-

зилиш давридан (1989 й.) феолик кўрсатиб, миллатлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга, тилимиз, урф-одатларимиз ва маданиятимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Даҳадаги маҳаллалар ободлиги учун хизматларини аямади.

Аллоҳ таоло марҳум устознинг аҳли оиласига чиройли сабр бериб, бу қайғу ўрнини яхшиликлар билан тўлдирсин.

Абубакир Қорахўжаевнинг вафоти муносабати билан яна бир бор унинг шогирдларига, ёру биродарларига чуқур таъзия изҳор этамыз.

Нафақадаги журналист – "Жанубий Қозоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий газетасида Тўлебий тумани бўйича махсус мухбир лавозимида фаолият юритган Баҳорой Дўсматовга волидаи муҳтарамаси, таҳририят бош муҳаррири ўринбосари Авазхон Абдуфаттоҳга қайнонаси

**Бўстон БЕРДИБОЙ** қизининг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор этамыз.

**Фахриддин ҚОРАТОВЕВ,** давлат ва жамоат арбоби, ҚР Парламентининг 6-7-қақирлиқ депутаты.

**Ҳамроқул ДАВРОНБЕКОВ,** меҳнат фахрийси, жамоат фидойиси.

Сайрам тумани УЭМБ раҳбарияти Машат қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Ҳусниддин Элтоевага набираси

**РАЯНА-**нинг фожиали вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор этади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

## ДАВЛАТЛАРНИ ИЛМИЙ ТАФАККУР ИЛА БИРЛАШТИРУВЧИ НАШР

Деҳлида Қозоғистон, Ҳиндистон, Ўзбекистон академик мактаблари амалий ҳамкорлиги маҳсули бўлган "СУЗ. ИН" ("SUZ.IN") халқаро илмий журналининг биринчи сони нашр қилинди.



Ушбу нашр Марказий ва Жанубий Осиёнинг етакчи шарқшунос, тилшунос ва тарихчи олимлари тадқиқотларига бағишланган. Жаваҳарлал Неру университетининг Форс ва Марказий Осиё тадқиқотлари маркази раҳбари, йирик шарқшунос олим, профессор Ахлоқ Аҳмад Ахан журнал илмий кенгашига раислик қилмоқда.

Бош муҳаррир – Ўзбекистон давлат хореография академияси профессори Хулқар Ҳамроева. Таъсисчи – Халқаро адабиёт ва маданият академияси аъзоси Раҳматжон Абдусатторов. Журналнинг биринчи сонида юқорида таъкидланган давлатлар олимлари ва тадқиқотчиларининг илмий мақолалари, хусусан, Алишер Навоий, Ҳожа Аҳмад Яссавий, Ошиқ Юсуф ота, Қавомиддин Амир Котиб Иқоний, Шайх Камолдин Иқоний, Заҳриддин Му-



ҳаммад Бобур каби алломаларнинг бебаҳо мероси ўрин олди.

Буюк аждодларимизнинг бой меросини ўрганиб, ўзлаштириш ҳамда ёш олимлар учун ўзига хос дорилфунун вазифасини бажарувчи "СУЗ. ИН" ("SUZ.IN") журналининг амалий аҳамияти бекиёсдир.

**Р. АБДУСАТТОРОВ,  
ҚР "Дўстлик"  
ҳамжамиятининг  
фахрий раиси.**

**Тасвирларда:** "СУЗ. ИН" ("SUZ.IN") журнали таъсисчилари; илм ва тафаккурнинг қудратли бирлаштирувчи кучи; "СУЗ. ИН" ("SUZ.IN") журнали; Ҳиндистонлик профессорга дошқозон сувенири тақдим этилди.

## МУСТАҚИЛЛИК СОЛНОМАСИ

Ушбу мақола "Энг олий ишонч" мақола-сининг давоми бўлиб, унда 1991 йилдан буён "Жанубий Қозоғистон" газетаси саҳифаларида эълон қилинган муҳим мақолалар қисқа шаклда жамланиб, улар орқали давр руҳи, долзарб муаммолар ва жамиятда кечган ўзгаришлар акс эттирилган.



**О. Тожибоевнинг "Улар вилоятимиз фанини ривожлантириши мумкин эди" мақоласидан:**

"Ўзбекистон жумҳурияти олий билимгоҳларига кўплаб фарзандларимиз бош уриб боришади. Бутун кучларини сарфлаб, имтиҳонларни яхши топшириш, ўқиш имконига эга бўлишга ҳаракат қиладилар. Бироқ кўшни жумҳуриятлардан келган толиблар учун ўқув ўринлари чекланганлиги туфайли уларнинг кўпчилиги ўқишни давом эттираётган Ўзбекистон вилоятларидан чиққан тенқурларидан чуқурроқ билимга эга бўлгани ҳолда мандат комиссияси қошидан бошини эгиб қайтишга мажбурлар. Ҳақиқатан ҳам олий маълумот олиш учун улар Афлотундай билимга эга бўлишлари лозим..."

"Дўстлик байроғи", №3 1992 йил 9 январь.



**"Аввал иқтисод" мақоласидан:**

"Давлат пайдо бўлибдики, қандай тузум бўлмасин, унинг манфаатини кўзловчи ўзига хос сиёсатини кўрасиз. Бир вилоятлар "коммунизм" деб Маркс, Энгельс, Ленин бошлаб берган сиёсатни қўлларда байроқ билиб фикримизни баён қилишда жамиятимизни ишонтирмақ учун бу даҳоларнинг сўзларидан кўчирмалар келтирдик. Ягона коммунистик фирқага аъзоимиз, содқилгимизни номига бўлса-да, амалда исботлаб келдик. Лекин не учун ҳозирги паллага келиб бугунги ҳаётимизни, сиёсатимизни баҳолаётган олмадик..."

"Дўстлик байроғи", №12 1992 йил 4 февраль.

**Ш. Мадалиевнинг "Ассоциация иш бошлади" мақоласидан:**

"ТУРКИСТОН ноҳиясида иқтисодий жиҳатдан бақувват хўжалиқлардан бири – "КПСС XXIII съезди" шўро хўжалиги марказида жойлашган Иқон қишлоғида иқтисодий-ишлаб чиқариш ассоциацияси иш бошлади. Янги муассасага "Иқон" деб ном берилди ва унга тадбиркор раҳбар, чорвачилик бўйича мутахассис Дониш Маннотов етакчилик қилаяпти..."

"Дўстлик байроғи", №21 1992 йил 6 март.

**"Хорижий журналистлар ташрифи" мақоласидан:**

"Чимкент вилояти ҳоқими М. Ф. Уркимбаев диёримизга ташриф буюрган Хитойдаги "Женьмин жибао" рўномаси вакиллари қабул қилди. Ҳоқим меҳмонларга вилоятда қилинаётган ишлар, муаммолар ва келгуси режалар ҳақида сўзлаб берди.

Хитойлик журналистлар шаҳардаги Абай, Дзержин ноҳияларининг йирик саноат корхоналари билан танишдилар. Улар, шунингдек, Туркистон, Бўған, Сариеоғоч ва Кентов шаҳарларида бўлиб қайтдилар..."

"Дўстлик байроғи", №30 1992 йил 28 апрель.

**Н. Захриддиновнинг "Авлодлар насибаси қирқилмасин" мақоласидан:**

"Кейинги ўн йилликда деярли барча ер усти сув манбалари зарарли таъсирлар натижасида жуда ифлосланиб кетди. Фикримизча, ичимлик суви манбаларини муҳофаза қилиш учун қатор тадбирлар зудлик билан ишлаб чиқиши лозим.

Аввало, барча заҳарли моддалар сақланувчи бинолар, саноат корхоналари, улар таркибига кирувчи тозалаш иншоотларини ҳозирги талабларга мослигини аниқлаш керак. Ер ости қурилмалари турли эритувчи ва кимёвий моддалар сақланадиган иншоотларни қўшимча ҳимоя воситалари билан таъминлаш зарур..."

"Дўстлик байроғи", №31 1992 йил 5 май.

**А. Сармонов ва И. Жумановнинг "Мавсумий меҳнатга тобингиз қалай?" мақоласидан:**

"Вилоятимизда ипақ кўрти етиштириш мавсуми давом этмоқда. Бир ойдан сал зиёд давом этадиган бу мавсумда кўплаб кишилар бир ойлик маош ишлаб олишади. Бироқ хўжалиқларда топширилган пилла учун турли ҳақ тўланаётгани ҳам сир эмас. Бу хусусдаги масалага ойдинлик киритиш, шунингдек, ушбу соҳадаги янгиликлардан хабар бериш ниётида биз вилоят ипачилик бирлашмаси бош агрономи Умиралӣ Қўнисбеков билан суҳбатлашдик..."

"Дўстлик байроғи", №34 1992 йил 26 май.

**Гулбарчин Сапаеванин "Арвоҳлар маскани тириклардан кўмак кутади" мақоласидан:**

"Тўрт мучаси соғ кишилар бу ерни оддийгина қилиб "қабристон" дейишади. Кираверишга ўрнатилган "Биз ҳам сиздай эдик, сиз ҳам биздай бўларсиз", деган битикка эътибор бермайдилар. Ҳатто фотиҳа ўқишни ҳам унуттишади.

Ота-онаси ёки бағри жигарлари бу макондан эртароқ жой олишган кишилар-чи? Йўқ, улар қабристонларни арвоҳлар маскани дебгина қабул қилишади, ҳар бир қабр остида майитнинг у дунёлик қўшнисини ёки охиралик дўсти деб ўзини ишонтиргиси келади..."

"Дўстлик байроғи", №34 1992 йил 26 май.

### »» Янги Қозоғистон бунёдкорлари

## ХҚТУ ТАЛАБАСИ – МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ПЕШҚАДАМ

Наврўзи олам шодиёнаси доирасида мамлакатимиз пойтахти Астана шаҳридаги KAZ MEDIA CENTER тантаналар саройида ўтган халқаро танловда вилоят маркази Туркистон шаҳридаги А. Яссавий номли Халқаро Қозоқ-Турк университетининг тиббиёт факультети аълочи талабаси Солиҳабону Ҳавасонова билими, салоҳияти ва теран идрокки фазилатлари ила голиб бўлди.



лотчиси Ойхон Сулаймон қизи Азимовани тахририят ва муштарийлар номидан самимий муборакбод этамиз.

Ўрта мактабда ўқиётган чоғида кўп мартаба шаҳар, вилоят ҳамда халқаро миқёсда нуфузли танловларда пешқадам бўлган С. Ҳавасонова келажақда янги илмий довларни эгаллашига ишончимиз комил.

**Ш. МАДАЛИЕВ.**

**Тасвирда:** голиб талаба Солиҳабону Ҳавасонова.

Саврон туманининг Қорачиқ қишлоғидаги "Наврўз" майдонида карнай-сурнай садолари остида байрам тадбирлари юксак савияда нишонланди.

Қорачиқлик ўғлонлар ҳомийлигида уюштирилган тадбир кўнгилларга кувонч улашди. Қишлоқ маданият уйи ходимлари – директор Илҳом Бобонов, хушовоз хонандалар Қаҳрамон Бухорбоев, Шариф Исмоилов ва Онажон Тўйчиевалар, ҳаваскор ёшлар, "Турон", "Қорачиқ" ўрта мактаблари ва Яссавий номли заковат мактаби, "Жасмин", "Мадина" ва 1-сонли болалар боғчаларининг санъатсевар ўқувчилари, хушовоз хонанда Аваз Солиев ва Сайрамнинг бетакор "Нурдуэт" қизлар гуруҳи даврага фойз киритдилар.

Қишлоқ ҳоқими Сакен Ўрозбаев, ҚР "Дўстлик" ҳамжамияти раиси муовини Саид Ҳайруллох, Саврон тумани ўЭМБ қишлоғидаги оқсоқоллар кенгаши раиси Мирзахон ҳожи Адхамов, эл оғалари Ҳабибулла Азимов ва Ирисбой Айтуганов, қишлоқ фахрийлар кенгаши раиси Фуркат Айтметов, оқсоқоллар кенгаши раиси Жумадулла Умаров, Саврон тумани маслаҳати



### »» М. Мақатаев таваллудининг 95 йиллигига



## МАКТАБ КУТУБХОНАСИДАГИ МАЪНАВИЯТ ТАДБИРИ

Саврон туманидаги 4-сонли умумтаълим мактаб кутубхонасида "Шеърят, мен билан эгизимсан?" мавзусида ўтказилган, қозоқ шеърятининг забардаст чўққиси, лирик шоир Муқағали Мақатаевнинг 95 йиллигига бағишланган адабий мусикий кеча барчада ёқимли таассурот қолдирди.

Адиб ижоди – халқнинг маънавий хазинаси, унинг ўнларча маънавият кўзгусига қиёс. Тадбирнинг асосий мақсади М. Мақатаевнинг ижодий меросини тарғиб қилиш, ўқувчиларнинг шеърятга ихлосини ортириш, маънавий инсоний қадриятларни шакллантиришдан иборат.

4-синф ўқувчилари адиб шеърларини ҳаяжон билан ўқиб беришди. Шоир ўнларча басталанган қўшиқлар ижро этилди. "Туған өлкем" қўшиғини 6-синф ўқувчиси юксак савияда ижро этди. М. Мақатаев бой маънавий меросидан ўрин олган "Аққулар ўйықтағанда", «Фарижа, Фарижажан», «Сарыжайлау», «Менің анкетам», «Райымбек! Райымбек!» каби асарлари адабиётимизнинг олтин хазинасидан ўрин олган жавоҳирлар.

**Куланда ВАЛИЕВА,**

**Саврон туманидаги 4-сонли умумтаълим мактаби кутубхона мудираси.**

**Тасвирда:** тадбирдан лавҳа.

**Муаллиф тасвири.**

## Наврўз шодиёнаси



депутати Азизбек Азимовлар йиғилганларни байрам билан кутлаб, дил изҳорларини баён этдилар.

Наврўз шодиёнасини юксак савияда ўтказишга ёрдам кўрсатган йиғилганларга миннатдорчилик билдираемиз.

**Мирзахон АДҲАМОВ.**

**Директор – Бош муҳаррир  
Райимжон Ортиқбой ўғли  
АЛИБОВЕВ.**

Бош муҳаррир ўринбосарлари:  
**Муроджон АБУБАКИРОВ,  
Авазхон БУРОНБОВЕВ.**

Масъул котиба – **Шаҳноза УСМОНОВА.**

**Масъул шахслар:**

Туркистон, Саврон – Шомира **МАДАЛИЕВ.** +7701-610-51-22.  
Қазигурт – Хуршид **КҮЧҚОРОВ.** +7701-447-37-42.  
Сайрам – Зокиржон **МҮМИНЖОНОВ.** +7702-278-96-90  
Тулқибоб – Мунира **САЪДУЛЛАЕВА.** +7747-144-60-71.  
Жетисай, Мақтарал – Мухтабар **УСМОНОВА.** +7701-257-36-97  
Келес, Сариеоғоч – Малика **ЭЛТОЕВА.** +7702-841-78-82  
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун **МАДАЛИЕВ.** +7708-824-20-97.

Муассис – Туркистон вилояти ҳоқимлиги.  
Мулк эгаси – "Жанубий Қозоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти" масъулияти чекланган биродарлиги.

«Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклам ва эълон берувчилар масъулдир.»  
«Фойдаланилмаган мақолалар ва элма жавоб қайтарилмайдир.»

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди, КЗ34ҲҲ00022503 гувоҳнома берилган.  
«ERNUR»нинг МББ бошқарувида чоп этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимуҳомедов кўчаси, 22.

**Қозоғистон Республикасида тарқатилди.**

**МАНЗИЛИМИЗ:**  
160000, Шимкент шаҳри,  
Таук хан шоҳқўчаси, 49-уй, 3-қават.  
Телефон: 78-13-27, +7778-618-39-05  
Электрон почта: [janubiy@inbox.ru](mailto:janubiy@inbox.ru)

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 10500 нуска.

Бўғим № 64.

Навбатчи муҳаррир: Мунира САЪДУЛЛАЕВА.